

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 15/27.02.2020. Т.73.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАХАРОВ БАХАДИР БАХРАМОВИЧ

**МАХАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ЕДИРИЛИШГА ЧИДАМЛИ
КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАР ВА БУЮМЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.02.01 - Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Материалларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси. Нодир,
ноёб ва радиоактив элементлар технологияси**

02.00.07 - Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

У/ДК: 678.046.2: 046.3

Тошкент давлат транспорт университети хузуридаги
Илмий даражалар берувчи DSc 15/27.02.2020.Т.73.02 РАҚАМЛИ

ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАХАРОВ БАХАДИР БАХРАМОВИЧ

Маҳаллий хомашёлар асосида едирилишга чидамли

композицион полимер материаллар ва буюмлар олиш

технологиясини яратиш

TECHNOLOGICAL ASPECTS OF OBTAINING WEAR-RESISTANT

COMPOSITE POLYMER MATERIALS AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 15/27.02.2020.Т.73.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАХАРОВ БАХАДИР БАХРАМОВИЧ

Маҳаллий хомашёлар асосида едирилишга чидамли

композицион полимер материаллар ва буюмлар олиш

технологиясини яратиш

TECHNOLOGICAL ASPECTS OF OBTAINING WEAR-RESISTANT

COMPOSITE POLYMER MATERIALS AND PRODUCTS BASED ON

LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

OF OBTAINING WEAR-RESISTANT COMPOSITE POLYMER MATERIALS

AND PRODUCTS BASED ON LOCAL RAW MATERIALS

ON TECHNICAL ASPECTS

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/1811 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида баҳарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.istu.uz) ва «Ziyoupe» ахборот-таълим порталида (www.ziyoupe.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ибодуллоев Ахмаджон Сабирович
техника фанлари доктори, профессор
Тешабаева Элмира Убайдуллаевна
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар:

Раскулов Алимжон Ахмаджонович
техника фанлари доктори, профессор
Бабаханова Муҳида Гулжамол
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкалот:

Анжежон машинасозлик институти

Диссертация ҳамюмси Тошкент давлат транспорт университети хузуридаги DSc.15/27.02.2020 Т.73.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир маргалик илмий кенгашнинг 2021 йил 4.12 соат 10 дақиқа мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100167, Тошкент, Темирйўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: htp://istu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (042) рақам билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100167, Тошкент, Темирйўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66; e-mail: htp://istu.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил « 22 » 11 кун тархатилди.
(2021 йил « 1 » 11 дақиқа 3 рақамли реестр баённомаси).

А.В.Умаров
Илмий даражалар берувчи
бир маргалик илмий кенгаш раиси,
Т.Ф.Д., профессор
Э.У.Тешабаева
Илмий даражалар берувчи бир маргалик
илмий кенгаш илмий котиби, Т.Ф.Д., доцент
Ш.С.Файзибоев
Илмий даражалар берувчи бир маргалик
илмий кенгаш хузуридаги бир маргалик
илмий семинар раиси, Т.Ф.Д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳонда ер усти ва ости, ҳаво ва сув транспортларида юкоримолекулалар бирикмалар асосида яратилган композициялардан олинувчи едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмлар қўлланилиб келинмоқда. Бу буюмларни ҳозирги замон транспортларига қўйиладиган талабларга жавоб беришини таъминлаш мақсадида юқори молекулали бирикмалар асосидаги композицияларни наноструктуралар таркибларини, ва уларни олиш учун ингредентлар ва технологиялар яратиш, композициянинг технологик хоссаларини яхшилаш, шу билан бирга улар асосида олинмаган буюмларни физик-механик, динамик ва маҳсул хоссаларини олдиндан берилган талаблар асосида структурасини шакллантириш учун таркиб ва технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда ер усти ва ости, ҳаво ва сув транспортлари учун юкоримолекулалар бирикмалар композициялар асосида едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмлар олиш мақсадида наноструктурага эга бўлган органик ва ноорганик ингредентлар яратиш, улар асосида композицион эластомер материаллар яратиш, наноструктурага эга бўлган композицияни олиш технологияси ва жиҳозларини ишлаб чиқиш, композициялар таркибига кирувчи ингредентларни модификация қилиш, улар асосида берилган талаблар хоссаларга эга бўлган резинатехника буюмлар олиш таркиби ва технологияларини яратишга эътибор қаратилмоқда.

Республикамаида охириги йилларда ер усти ва ости, ҳаво ва сув транспортларини, кимё, металлургия, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноятларини ҳамда кишлоқ хўжалик техникаларида ишлатилувчи юкоримолекулалар бирикмалар асосидаги едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмларни маҳаллийлаштириш мақсадида Шўртан полиетелен, Сурғили полипропилен ишлаб чиқариш, ООО «Биринчи резинатехника» хўшма корхоналарининг ишга туширилиши, ишлаб чиқариш маҳсулотларини кўпайтириш, технологик жараёнини такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва миқдорини ошириш, хомашёни маҳаллийлаштириш ва янги захираларини яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада ер усти ва ости, ҳаво ва сув транспортларида қўлланилувчи едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмларни олиш хомашёларини маҳаллийлаштириш уларни технологик ва физик-механик хоссаларини яхшилаш, олиш таркиби ва технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-2298-сон 2017 йил 11 февралдаги «2017-2019 йилларга буюм ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги, ПФ-4947-сон 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, ПФ-4891-сон 2017 йил 6 апрелдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) хажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва ПҚ-2916-сон 2017 йил 21 апрелдаги «2017-2021 йилларда маншій чққндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмаг қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юқори молекулали бирикмалар асосидаги композициялардан ер усти ва ости, ҳаво ва сув транспортларида ишлатилувчи едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмлар таркиби ва олиш технологияларини яратиш бўйича Г.С.Қаю, Дж.Краус, А.А.Донцов, Б.А.Догадкин, А.А.Берлин, Ф.Ф.Кошелев, А.Е.Корнев, А.М.Буқанов, М.Л.Уральский, Б.Е.Гуль, Ю.С.Липатов, А.М.Смирнова, Ю.С.Зуев, В.М.Гончаров, П.В.Рақова, Л.Б.Коварская, А.Г.Шварц, Г.А.Сорокин, Н.Д.Захаров, Г.А.Блох, Д.Н.Мак-Келви, С.С.Негматов, А.Х.Юсупбеков, А.С.Ибадуллаев, Э.У.Тешабаева ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Улар томонидан юкоримолекулали бирикмали композициялар асосида ер усти ва ости, ҳаво ва сув транспортларида ишлатилувчи едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмлар олиш учун таркиб ва олиш технологиялар, уларда ишлатилувчи органик ва ноорганик ингредидентлар, уларнинг модификация қилиш технологиялари жорий этилган.

Шу билан бирга юкоримолекулали бирикмалар асосидаги композициялардан ҳозирги замон ер усти ва ости, ҳаво ва сув транспортлари учун едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмлар олишга нано заррачага ва структурага эга бўлган органик ва ноорганик тўлдиргичларнинг янги авлодини яратиш, улар асосида нанокомпозициялар таркиби ва махсус хоссага эга бўлган армирилланган ва армириланмаган буюмлар олиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти ҳамда Тошкент давлат транспорт университети (Тошкент темир йўл муҳандислари институти) илмий тадқиқот ишлари режасининг А-12-41 «Энергия ва ресурсни

тежашни таъминловчи маҳаллий ва иккиламчи хомашё ресурслари асосида иссиқликка ва коррозияга чидамли бўлган композицион материаллар олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), А-12-37 «Композицион эластомер материаллардан иккиламчи материаллар ва махсус хусусиятга эга бўлган резина-техник махсуслотлар ҳамда улар асосида кабел олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлар асосида транспорт системалари учун ейилишга, иссиққа ва совуққа бардошли резинотехника буюмлари олиш таркиби ва технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: транспортлар учун ейилишга, иссиққа ва совуққа бардошли резинотехника буюмлари яратишга маҳаллий табиий ва иккиламчи, органик ва ноорганик хомашёларни танлаш;

маҳаллий табиий ва иккиламчи, органик ва ноорганик хомашёларнинг кимёвий, физик-кимёвий, техник хоссалари ва структурасини тадқиқ қилиш; тавлаб олинган маҳаллий хомашёлар асосида транспортлар учун ейилишга, иссиққа ва совуққа бардошли резинотехника буюмлари олиш таркибини тизимли таҳлил орқали тузиш;

яратилган композициянинг технологик хоссаларига юкоримолекулали бирикмалар тури ва микдори, ингредидентлар структураси ва микдори, ишлатилиш кетма-кетлиги, тайёрлаш вақти, температураси, босими таъсирини аниқлаш;

яратилган композициянинг физик-механик, динамик, эксплуатацион хоссаларига юкоримолекулали бирикмалар тури ва микдори, ингредидентлар структураси ва микдори, ишлатилиш кетма-кетлиги, тайёрлаш вақти, температураси, босими таъсирини аниқлаш;

маҳаллий табиий ва иккиламчи органик ва ноорганик хомашёлар асосида транспортлар учун ейилишга, иссиққа, совуққа бардошли армирилланган композиция ва буюмлар олиш таркиби ва технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ер усти ва ости, ҳаво ва сув транспортларининг едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли резинотехника буюмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий юқори молекулали бирикмалар, органик ва ноорганик ингредидентлар асосидаги композицион материаллардан олинган армирилланган буюмлар ва уларни олиш технологиялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий, юқори молекулали бирикмалар асосидаги композициялар учун стандартлаштирилган физик-механик, кинематик, динамик ва экспериментларни режалаштириш ҳамда математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

маҳаллий табиий ва иккиламчи, органик ва ноорганик хомашёларнинг физик-кимёвий ва структуравий хоссаларини ўрганиш асосида, транспорт системалари учун едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли резинотехника буюмлари олиш мумкинлиги илмий ва амалий асосланган;

маҳаллий хомашёларнинг физик-кимёвий хоссалари ва структураси асосида ер усти ва ости, ҳаво ва сув транспортлари учун едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли, армирилган ва армирилмаган резинотехника буюмларининг таркиби ишлаб чиқилган;

юкоримолекулалар бирикмалар тури ва миқдори, ингредиентлар структураси ва миқдори, ишлатилиш кетма-кетлиги, тайёрлаш вақти, температура ва босимини яратилган композициянинг технологик хоссаларига таъсири пластометрик ва вискозиметрик, усуллар ёрдамида аниқланган;

юкоримолекулалар бирикмалар тури ва миқдори, ингредиентлар структураси ва миқдори, ишлатилиш кетма-кетлиги, тайёрлаш вақти, температура ва босимини яратилган композициянинг физик-механик, динамик, эксплуатация хоссаларига таъсири, уларни едирилишга, иссиққа, совуққа бардошлиги асосида асосланган;

маҳаллий табиий ва иккиламчи, органик ва ноорганик хомашёлар физик-кимёвий ва структуравий хоссалари ва уларни аралаштириш кетма-кетлиги асосида транспорт системалари учун едирилишга, иссиққа, совуққа бардошли армирилган композиция ва резинотехника буюмларини олиш таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Транспорт системалари учун маҳаллий табиий ва иккиламчи, органик ва ноорганик хомашёлардан едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли резинотехника буюмлари олиш таркиби яратилган;

яратилган композициянинг технологик, физик-механик, динамик, эксплуатация хоссаларига юкоримолекулалар бирикмалар тури ва миқдори, ингредиентлар структураси ва миқдори, ишлатилиш кетма-кетлиги, тайёрлаш вақти, температура ва босимини таъсири аниқланган;

маҳаллий табиий ва иккиламчи органик ва ноорганик хомашёлар асосида транспорт системалари учун едирилишга, иссиққа, совуққа бардошли армирилган композиция ва резинотехника буюмларини ишлаб чиқариш таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти кимёвий, физик-кимёвий, технологик, физик-механик, техник ва стенд усуллари қўлланилганлиги, йириклаштирилган ва таъриба-саноат синовлари билан тасдиқланганлиги, ҳамда яратилган композицион материаллар ва улар асосида едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли армирилган буюмлар ишлаб чиқариш таркиблари ва технологиялари яратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий табиий ва иккиламчи органик ва ноорганик хомашёлар асосида едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли армирилган резинотехника буюмлари олиш учун берилган структура ва хусусиятларга эга бўлган композицион материаллар олиш таркиби ва технологиясини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий ва иккиламчи, органик ва ноорганик маҳаллий хомашёлар асосида транспорт системалари учун берилган структура ва хусусиятларга эга бўлган армирилган ва армирилмаган резинотехника буюмлари олиш таркиби ва технологияларини ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида транспорт системалари учун едирилишга, иссиққа, совуққа бардошли резинотехника буюмлари олиш таркиби ва технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий хомашёлар асосида транспорт системалари учун едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмлар олиш таркиби «Куков-механика заводи» ШКда амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2021 йил 30 августдаги 01/3004-сон маълумотномаси). Натижада яратилган композициялари ва улар асосида транспорт системалари учун едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмлар ишлаб чиқиш имконини берган;

маҳаллий хомашёлар асосида транспорт системалари учун едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмлар олиш технологияси «Куков-механика заводи» ШКда амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2021 йил 30 августдаги 01/3004-сон маълумотномаси). Натижада яратилган композициялари ва улар асосида транспортлар учун едирилишга, иссиққа ва совуққа бардошли буюмлар ишлаб чиқишни 35% ошириш имконини берган;

маҳаллий хомашёлар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текстил буюмлари олиш таркиби ва технологиялари «НКМК» ДКнинг резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш цехида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2021 йил 30 августдаги 01/3004-сон маълумотномаси). Натижада қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текстил буюмлари ишлаб чиқариш миқдорини 33% ошириш ва тан нарҳини 28% камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 11 та халқаро ва 1 та республика илмий-техник анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 1 таси хорий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг асосий мазмуни қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Юқоримолекулали бирикмалар асосида едирилишга чидамли буюмлар олиш, таркиби, технологиялари, хоссалари ва ишлатилиши» деб номланган биринчи бобида хозирда мавжуд бўлган композицион полимер материаллар ва армиранган ва жараёнининг ҳолати ва ривожланиши тенденциялари олиш технологик таркиби, структураси, хоссалари, ишлатилиши, ингредиентларни модификация қилиш усуллари, композиция ва улар асосида буюмлар олишининг технологик кўрсаткичларига таъсир қилувчи асосий омиллар, наноконпозициялар олиш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Адабиётларнинг критик таҳлили ҳамда ингредиентлар ва композицион органик материаллар модификацияси жараёнининг замонавий ҳолатини ўрганиб чиқиш асосида, хозирда тўлдирилган нано композиция яратишда энг истиқболли йўналиш, маҳаллий хомашёллар асосида кўп функцияли ингредиентлар излаш ва композицион материаллар ва улар асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маҳсулотлар олиш нанотаркиби ва технологиясини яратиш эканлиги аниқланган ва диссертация ишининг режаси тузилган.

Диссертациянинг «Юқоримолекулали бирикмалар асосидаги композицияларнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш усуллари» деб номланган иккинчи бобида эластомер композицияларини тайёрлаш учун танланган юқори молекулали бирикмалар ва ингредиентларни физик-кимёвий хоссалари, улар асосида олинган композициянинг технологик, реологик, структуравий, физик-механик ва динамик хоссаларини ўрганиш усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида юқорибирикмалар асосидаги композитлар ва тўлдирувчилар-графит, темир қукуни, фторопласт ҳамда маҳаллий ашёлардан Ангрен каолини, воластонит, фосфогилс, Қорақолпоғистон монтмориллонити, қизил каолин, иккиламчи углеродли материал, метал оксидлари қоришмаси, суяк қули, фосфорли алкилоамид ёғ кислотаси ва фуран олигомерлари олинди.

Шу билан бирга композиция таркибига кирувчи баъзи маҳаллий хомашёлларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳам ўрганилди. Фосфогилс-фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қорхонаси чиқиндиси, кимёвий таркиби бўйича бошқа минерал тўлдиригичлардан фарқ қилади, яъни CaSO_4 , SiO_2 , H_2O , P_2O_5 ва бошқа ишқорий металллардан ташкил топган. Ангрен каолини алумо-силикат минераллар таркибига кириб, таркибида темир оксидлари 8% гача бўлиши билан хозирги вақтда ишлатилувчи Еленин каолинидан фарқ қилади, шунинг учун ҳам уни модификация қилиб ишлатилиш таклиф қилинди. Қорақолпоғистон монтмориллонити нано заррачага эга бўлган минерал бўлиб, эластомер композицияларида буюмларни ишқаланишга чидамлилиги хоссасини ошириш учун ишлатилди. Қўйтош воластонити алумо-силикат минераллар туркумига кириб, толали структурага эга бўлганлиги учун композициянинг мустаҳкамлигини ва қарқасини оширишга ишлатилди. Қизил гия Ангрен кўмир қонда кўмининг ўз-ўзидан ёниши жараёнида хосил бўлган алумо-силикатлар таркибига кирувчи минерал бўлиб, резина буюмларга адгезия хоссасини ошириш учун қўшилди. Ацетилен ишлаб чиқаришда хосил бўлувчи иккиламчи углерод тўтган материални хосил бўлиш жараёнида табиий газ ва ацетиленни термик циклизация бўлиши натижасида хосил бўлган олигомер билан модификация бўлганлигини ва у резиналарнинг махсус хоссаларини яхшилашини инобатга олиб композиция таркибига киритилди.

Маълумки, олдиндан берилган хоссаларга эга бўлган резина-техника буюмлари олиш учун уларнинг структурасини шакллантиришга вулканлаш агентларини танлаш мақсадга мувофиқдир. Шу борада биз маҳаллий ва иккиламчи хомашёллар асосида қуйидаги моддаларни ўргандик, яъни Олмалик цинк ишлаб чиқариш қиқиндиси металл оксидлари қоришмаси (СОМ)-унинг таркиби ўрганилганда асосан Mg-2,1 ; Zn-89,1 ; Ca-1,7 ; Pb-0,5 оксидлардан ташкил бўлганлиги аниқланди, суяк қули (КЗ)-унинг таркиби термик ($700-1000^\circ\text{C}$) ишловдан кейин ўрганилганда $\text{P}_2\text{O}_5-40,33$; CaO-53,60 ; $\text{SiO}_2- 2,28$; $\text{Al}_2\text{O}_3-1,15$; $\text{Fe}_2\text{O}_3-0,16$; MgO-0,34 ; $\text{K}_2\text{O}_3-0,26$; $\text{Na}_2\text{O-0,49}\%$ моддалардан иборат эканлиги аниқланди. Ёғ-мой ишлаб чиқариш саноати чиқиндиси-гасипол смоласидан сингез қилинган фосфорли алкилоамид ёғ кислотаси (ФАЖК) ва нефть-газ бирламчи тозалаш жараёни чиқиндиси адсорбент алканоламинлар ўрганилди. Вулканловчи модда сифатида эса нефть ва газни бирламчи тозалашда ажратилиб олинган олгинугурт ишлатилди.

Пластификатор сифатида эса бир вақтни ўзида эластомер композицияларида ҳам пластификаторлик ҳам стабилизаторлик вазифасини бажарувчи фуран олигомерлари хоссалари ва қўлланилиш микдорлари аниқланди.

Танланган ингредиентларни эластомер композицияларининг технологик, физик-механик, техник, динамик ва специфик хоссаларига таъсирини ўрганиш учун маълум стандартлаштирилган замонавий усуллар ишлатилди.

Жадвал асосида тайёрланган таркибда резина қоришмалари тайёрланди ва уларнинг технологик хоссалари ўрганилди. Илмий ишда эластомер композициясини маҳаллий хомашёлар асосида тузиб, технологик хоссабини яхшилаш билан бирга унда Қорақалпоғистон монтмориллонитини қўллаб, наноструктурани композиция яратиш мақсад қилинган. Ингредиентларни ҳар хил комбинацияда аралаштириш натижасида уларнинг оптимал технологик хоссалари аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Кўрсаткичларнинг номлари	Резина қоришмалар					
	1	2	3	4	5	6
Пластиклиги, нисб. бир.	0,32	0,45	0,46	0,46	0,47	0,41
Елипшқоқлик коэффициентини	0,90	0,81	0,84	0,85	0,82	0,84
Айланма модуль, 3/2	5,6	3,2	3,2	4,0	4,0	5,7

Вулканлаш жараёнида каучук макромолекуллари билан олгингугурт бирикishi кинетикаси шуну кўрсатаётгани, юқорида танланган вулканловчи ингредиентлар билан қоришмаларда вулканланиш тўрларини ҳосил бўлиши етарли даражада интенсификулади. Вулканловчи моддалар ва фуран олигомерлари атомларининг тўлдиргичлар ҳар хил юзасида максимал ютилишига ёрдам бериши ва бу билан янада мустаҳкам вулканланиш структуралари ҳосил бўлишига таъсир кўрсатиши аниқланди. Мазкур эффект кўрсатаётгани, маҳаллий хомашёлар асосидаги ингредиентларни комбинацияси ва ҳар хил реакция қобилияти композицияда вулканлаш структураси ҳосил бўлиш жараёнини нафақат фаоллаштириши, балки тезлаштиришига ҳам олиб келади (3-жадвал).

3-жадвал

Ингредиентларни эластомер композициясининг вулканланиш тўрини ҳосил бўлишига таъсири

Композициялар	Ҳосил бўлган боғлар, %						F _р , МПа	Кт, п.бир.	Едирилиш коэф.
	-C-S-C-	-C-S-S-C-	-C-S-C-	-C-S-C-	-C-S-C-	-C-S-C-			
1	32	34	24	10	26,2	0,46	0,41		
2	30	26	25	19	33,2	0,71	0,44		
3	29	5	19	17	31,1	0,51	0,61		
4	20	25	27	28	35,8	0,95	0,94		
5	29	5	19	17	31,1	0,51	0,82		
6	31	23	24	22	33,8	0,78	0,74		

Жадвалдан кўриниб турибдики, композицияга Қорақалпоғистон монтмориллонитини икки бўлиб фуран олигомерлари билан қўшиб киритилганда макро-молекуллариинг вулканлаш жараёнида чокланиш тезлиги бўйича бирмунча фаолроқдир, бу чоклаш даражасининг ортishi ва кўндаланг боғларнинг сульфидлигини камайishi ва нано структура ҳосил бўлиши билан кўрсатилади.

Композитларнинг золь-гель фракцияларини ўрганиш натижасида нано заррачали Қорақалпоғистон монтмориллонитини композицияга бўлиб-бўлиб

Диссертациянинг «Юқоримолекулали бирикмалар асосида едирилишга, иссиқска ва совуқска чидамли композицияларнинг таркиби ва технологик хоссалари» деб номланган учинчи бобида маҳаллий иккиламчи ва табиий хомашёлардан танланган ингредиентларни юқоримолекулали бирикмалар асосидаги композициялар таркибни тузиш ва технологик хоссаларига таъсири ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Эластомер композициялар асосидаги буюмларни физик-механик, динамик хоссалари асосан ингредиентларни резина қоришмаси тайёрлаш жараёнида кўшиш кетма-кетлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам асосан тўлдиргичларни қоришма таркибидаги микдори кўп бўлганлигини инобатга олиб, уларни композиция таркибига қўшиш кетма-кетлиги ўрганилди. Композицияни тайёрлаш учун яратилаётган буюм ишқаланишда, совуқда ва иссиқда ишляини инобатга олиб эластомерларнинг қоришмаси СКМС-30АРҚМ-15 ва СКН-18 3:1 нисбатда танланди. Стандарт таркибда ўрганишлар натижасида каучук ва ингредиентларни аралаштириш кетма-кетлиги куйидагича танланди, бунда асосий этиборни Қорақалпоғистон монтмориллонитини нано заррачаларини каучук макромолекуллари орасида бир-хилда тақсимлаш ва эластомер композицияда наноструктура ҳосил қилишга қаратилди (1-жадвал).

1-жадвал

Каучук ва маҳаллий хомашёлар асосидаги ингредиентларнинг аралаштириш кетма кетлиги ва микдори

Каучук ва ингредиентлар номи	Аралаштириш вақти, мин.	Композиция ва ингредиентлар микдори, мас.б.					
		1	2	3	4	5	6
СКМС-30АРҚМ-15	4	70	70	70	70	70	70
СКН-18	3	30	30	30	30	30	30
Қорақалпоғистон монтмориллонитини	3	5	10	15	10	20	10
Фуран олигомери	5	5	7	10	10	10	15
СОМ	2	5	7	10	7	10	15
	3	1	1,5	2	1	-	10
	1	1	1,5	2	1	-	10
	1	1	1,5	2	1	-	10
Углерод тутган материал	3	10	10	15	20	30	40
КЗ	3	10	10	15	20	30	40
	1	1,5	2	2	1	5	5
	1	1	1	1	1	1	1
Ангрет каолини +Алколоамин	3	20	25	30	10	20	20
	3	1	1	2	10	10	20
	1	0,5	1	2	2	3	3
ФАЖК	2	0,5	1	2	3	4	5
Фосфорас	5	80	70	60	50	40	30
Қизилгя	3	10	15	20	10	15	20
	3	1	2	2,5	3	4	5
Олгингугурт	1	1	2	2,5	3	4	5


фуран олигомерлари билан қўшилганда эскириш ва едирилиш жараёнларининг интенсиблиги камайиши ва вулканизация тўр фаол занжирлари улушининг ортиси сезиларли даражада кузатилади. Ушбу ҳолат таъналанган резина коришмаларини тайёрлаш усулига ва маҳаллий хомашёланинг резина коришмаларига боғлиқлиги кўрсатилди. Таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, композиция таркибига қўшилган фуран олигомери вулканизат таркибига қўшимча структураланиш рўй беришига сабаб бўлади ва бунинг оқибатида композицияда вулканизация тўри зичлиги кўпаяди ва натижада уни қаттиқлиги ошади ҳамда нисбий узунлигининг қиймати камайиши содир бўлади. Бу эса композициянинг структурасини ҳамда физик-механик хоссаларини мақсадли бошқариш имконини беради.

Диссертациянинг «Юқори молекулали биракмалар асосида едирилишга, иссиққа ва совуққа чидамли композицияларнинг техник хоссаларини ўрганиш ва ишлаб чиқариш таркибининг тузиш» деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий хомашёлар асосида яратилган эластомер композицияларини физик-механик, динамик ва эксплуатацион хоссаларини ўрганиш ва ишлаб чиқариш таркибларини тузиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳақида маълумот берилган. Яратилган композициямиз ичида тўртинчи таркибнинг кўрсаткичлари юқори бўлганлиги учун эластомер композициясининг техник кўрсаткичларини шу таркибда ўрганилди ва ишлаб чиқариш таркиблари тузилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, таъналанган ингредентларни 1-жадвал асосида бўлиб-бўлиб эластомер композициялар таркибига қўшилганда 100-300% қўзилишдаги мустаҳкамлик бирданига қўшилганига нисбатан юқорилиги аниқланди. Масалан, таъналанган ингредентларни бутадиең-метил стирол асосидаги эластомер композицияси таркибига бўлиб-бўлиб қўшилганда оддий қўшишга нисбатан мустаҳкамлик 30-35% ошишиги кузатилади, яъни 12 МПа дан 15 МПа гача ошади. Бу кўрсаткичлар бошқа каучукларда ўрганилганда ҳам тасдиқланди: масалан, СКИ-3, наирит КР-50, ва СКН-18 каучуклари асосида тайёрланган композицияда мустаҳкамлик (F_p) 18,7 ва 22,5; 8,5 ва 13,3; 12,3 ва 16,2 МПа ни ташкил қилади ва мос келади. Мустаҳкамликни яхшиланishi ингредентларни бўлиб-бўлиб қўшганда заррачаларни олигомерлар билан қопланиши ва каллоид система ҳосил қилиниши ва каучук ҳамда ингредентлар орасидаги самарали боғлар ҳосил қилиниши оширишидандир. Бу ҳолат оддий шароитда ингредентларни эластомер композицияси таркибига қўшилганда мустаҳкамликни камайиши билан асосланган.

Эластомер композициялар таркибига ингредентларни бўлиб-бўлиб қўшилганда уларнинг йиртилишга қаршилиги оддий усулда тайёрланганга нисбатан ошади (1-расм), бу ҳолат барча каучукларда яққол кўриниши ва таркибига қўшилаётган тўдиргичлар микдорини 15-20%га оширишга имкон берди ва резина-техника буюмларини таннархини камайитиришга олиб келди.

Таъналанган ва яратилган ингредентларни эластомер композициялар таркибига бўлиб-бўлиб қўшилганда резинанинг сиқилиш ва қўзиш динамика хоссаларига таъсирини ўрганиш натижасида иссиқлик ҳосил бўлиши қолдиқ сиқилиши камайишида ва унинг юқори кўрсаткичи тўдиргичларнинг 100 мас.б. каучукта 50-70 мас.б. қўшилганига тўғри келади, бу ҳолат олдин олинган маълумотларни тўлдирди.



1-расм. Эластомер композициясининг йиртилишга чидамлилигига ингредентларнинг умумий микдорининг таъсири.

Мазлумки, ишлаб чиқаришда ишлатилувчи эластомер композициялари кўп таркибидир, яъни кимёвий таркиби, фаоллиги, структуравий тузилиши билан бир-бирдан фарқ қилувчи табиий ва синтетик каучук ва ингредентлардан тузилган. Биз олган маълумотлар лаборатория шароитида ўрганилган, бу олган маълумотларни ишлаб чиқаришда ишлатилувчи резина коришмалари ва улар асосида олинган резина-техника буюмлари технология жараёнига ва хоссаларига мослигини ўрганиш мақсада мувофиқдир.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, биз ҳар хил мураккаб царионтларда ишлатилувчи ва олиш таркиби ва технологияси билан бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи резина-техника буюмлари олиш технология ва таркибларни танладиқ. Ишлаб чиқариш шароитида илмий тадқиқотларнинг 1-жадвалдаги 4-композицияни тайёрлаш технология жараёни асос қилиб олинди ва бунда таркибга киритилган ингредентлар тақлиф қилинаётган маҳаллий хомашёлар асосидаги ингредентларга алмаштирилди, бу жараёнда олинган резина-техника буюмларига қўйилган стандарт талаблар эътиборга олинди ва ингредентлар микдори корелация қилинди.

Яратилган ингредентларни ва технологияни ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган таркибларда ўрганиш натижасида, тақлиф қилинаётган ингредентларни қўшиб яратилган технологияни қўллаганимизда, уларнинг

физик-механик хоссалари 25-40% ошиши аниқланди ва TP, TУ, ГОСТ, ОСТ талабларига жавоб бериши кўрсатилди. Аммо резина-техника буюмларига қўйилган талабни бажариш учун қўшилаётган маҳаллий хомашёлар асосидаги ингредиентларни физик-кимёвий ва структурасини, таклиф қилинаётган технологияни мохиятини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш таркиб ва технологияларини ўзгартириш лозим.

4-жадвалда текстил ва металл каркасли буюмлар олиш таркиб, технологик ва эксплуатацион хоссаларига таклиф қилинган ингредиентлар ва технологияни қўлаганда ўзгариши кўрсатилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, композициянинг технологик ва физик-механик хоссалари талаб қилинаётган стандарт кўрсаткичларидан юқори. Бу биринчидан танланган маҳаллий хомашёлар асосидаги ингредиентларни (фуран олигомерлари, модификацияланган Ангрен каолини, нанозаррачали монтморионит, ФАЖК, Фосфогилс, Қизилгия, МУ, МФАЖК) стандарт ингредиентларни ўрнини босишни кўрсатмоқда, иккинчидан ингредиентларни бўлиб-бўлиб композицияга қўшиш технологиясини қўлланилишидир, яъни ингредиентлар эластомерлар билан каллоид дисперс система ҳосил қилишини, уларни композицияда бир хил тарқалишини таъминлайди.

4-жадвал
Текстил ва металл каркасли буюмлар олиш таркиб технологик ва эксплуатацион хоссаларини таклиф қилинган ингредиентлар ва технологияни қўлаганда ўзгариши

Кўрсаткичлар	Композиция текстил		Композиция металл	
	Стандарт таркиб	Таклиф қилинган таркиб	Стандарт таркиб	Таклиф қилинган таркиб
Р, усл.ед.	0,35-0,40	0,40	0,35-0,40	0,40
f _p , МПа	9,2-10,2	15,6	3,0-4,0	9,3
E _{ортн} , %	300-350	320	200-250	220
F _{яст} , %	8-10	6	4-6	4
Р _н , кН/м	40-45	68	40-50	59
Елишқоқлик (ВН-5006, куч 1,5), кг.	1,0-1,5	1,8	1,2-1,6	1,6
Адгезия муштақамлиги, МПа	0,70-0,80	0,92	0,7-0,8	1,10

Ишлаб чиқариш таркибда маҳаллий хомашёлар асосида таклиф қилинган ингредиентлар ва технологияни қўллаб янги кўрсаткичли ва шартли резина-техника буюмлари олиш технологиясини яратиш имконини берди, яъни каучук ва ингредиентларни нисбатини ўзгартириб, юқори едрилишга чдамли буюмлар олиш мумкинлиги кўрсатилди (5-жадвал).

Ишлаб чиқариш таркибда Ангрен каолинини ишлаш учун унинг таркибдаги магнитланмайдиган 1,02 % FeO фаоллигини камайтириш мақсадида иккиламчи алканоломинлар билан кимёвий модификация қилиш

5-жадвал
Қолипланувчи резина-техника буюмлари олиш композицияси технологик ва эксплуатацион хоссалари

Кўрсаткичлар	Практикада учун		Тўхтатиш мосламаси учун	
	ГОСТ буйича	Таклиф қилинган таркиб	ГОСТ буйича	Таклиф қилинган таркиб
Р, нисбий бяр.	мах. 0,2	0,2	0,3-0,4	0,33
d, кг/м ²	2400-1700	2550	2200-2400	2350
f _p , МПа	45-52	47,3	12-16	13,3
E _{ортн} , %	-	-	220-300	280
F _{яст} , МПа	32-42	54	12-16	24
Нисбий кавушқоқлик, кДж/ж	3-12	7	-	-
ТИР буйича қаттиклиги, шарт.бяр.	95-100	99	40-50	44
Иссиқликдаги қолдиқ, %	0,2-0,6	0,56	мин 0,84	0,96
K _с	мин 0,8	0,98	мин 0,95	0,99
Оғ. буйича едрилиш, мг/час	мин 0,9	0,98	0,78	0,96
Қислогата бардошлиги	мин 0,7	0,93	0,70	0,94
Ишқорга чидамлиги	мин 0,75	0,91	0,70	0,90
Мойларга чидамлиги	мин 0,60	0,85	0,60	0,80

6-жадвал
Клейлаш ёрдамида қолипланмайдиган резина буюмлари таркиби, технологик ва эксплуатацион хоссалари, танланган ингредиентлар ва технологияни таъсири

Кўрсаткичлар	Р/Қ 10-350		Р/Қ Н-24		Р/Қ 4867	
	ГОСТ буйича	Таклиф қилинган таркиб	ГОСТ буйича	Таклиф қилинган таркиб	ГОСТ буйича	Таклиф қилинган таркиб
Пластиклиги, нис.бяр.	0,4-0,5	0,39	0,4-0,5	0,45	0,4-0,5	0,45
Елишқоқлиги	мин 0,84-5	0,96	мин 0,8	0,99	мин 0,7	0,92
Кольцевой модуль, 3/2	5	5,5	3-4	3,4	4-5	4,5
Физмех. хоссаи:						
f _p , МПа	5-7	13,6	15-18	24,8	15-18	28,1
E _{ортн} , %	250-300	260	500-600	560	500-600	560
E _{яст} , %	20-25	20	25-30	24	25-30	25
Ўйртлишга қарш, кН/м	15-20	28	20-25	33	20-25	32
Шору-А буйича қаттиклиги	64	66	72	70	55	60
Тешилиш буйича эл.муштақамлик, ом/м	1,9 10 ⁶	1,1 10 ⁷	1,6 10 ⁶	3,4 10 ⁶	2,8 10 ⁶	4,8 10 ⁶

усулини қўлладик. Бунда резина қоришмаси таркибдаги вулкалаш

жараёнини фаолловчи метал оксиди ва тезлаштиргичи каптакс ва тўлдиргичи Еленин каолин ўрнига модификация қилинган Ангрен каолинини қўшиб, пластификатор сифатида фуран олигомерлари ишлатилиб, композициядан клейлаш усулида резина-техника буюмлари олинганда, уларни барча кўрсаткичлари ошиши кўрсатилади (6-жадвал).

Тоғ конларда ва шахталарда, қурилиш материаллари тайёрлаш корхоналарида рудаларни ташиш учун асосан конвейер (узатувчи) ленталардан фойдаланилади. Уларга асосий қўйилган талаб едирилишга чидамлилигидир, шунинг учун ҳам танланган ингрдиентлар, яратилган технология асосида эластомер композиция таркиби тузилди ва ишлаб чиқилди ва хоссалари ўрганилди (7-жадвал).

Олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар олинди, яъни нанозаррачали монтмориолионитни 100 мас.б. каучукга нисбатан 30 мас.б.гача қўшилганда резина қоришмалар хоссаларига Еленин каолинини қўшган билан бир хил таъсир қилиши кўрсатилди.

Аммо унинг миқдори 40 мас.б. ошиб кетса, резина қоришмаларининг пластиклик ва қовушқоқлик хоссалари ошишига олиб келади ва композитни мустаҳкамлиги эса 1,5-1,7 мартаба ошиши кузатилади. ГОСТ талабларидаги технология ва техник хоссаларни олиш учун резина қоришмаси таркибидagi тезлаштиргичларни миқдорини 10-15%га ошириш, юмшаггич ва пластификаторларни 50-70% гача камайтириш кераклиги аниқланди ва тақлиф қилинди.

7-жадвал Яратилган таркиб асосида конвейер ленталари олиш композицияси технологик ва эксплуатацион хоссалари

Кўрсаткичларни номлавиши	Кўрсаткичлар	
	ГОСТ бўйича	Тақлиф қилинган таркиб бўйича
Пластиклиги, нисб.бир.	0,45-0,50	0,47
Зичлиги, кг/м ³	1310	1310
Кольцевой модуль, 3/2	2,0-3,0	3
Физико-механик хоссаи:		
f _p , МПа	16-18	22,2
E _{орт} , %	700-800	750
E _{орт} , %	25-30	24
Тер. иш. кейин, 373К, 72 соат:		
f _p , МПа	14-15	18,4
E _{орт} , %	500-600	550
E _{орт} , %	20-25	20
Йартилишга қаршилиқ, кН/м	20-25	24,2
Едирилиш, пм ² /Дж	мах. 40	23
Шору-А бўйича қаттиқлиги	65	66
Ёнишга чидамлилиқ, с	мин. 45	65

Маҳаллий хомашёлар нетизида тақлиф қилинган ингрдиентлар асосида едирилишга чидамли композицион эластомер материаллари ва улар

асосида буюмлар олиш таркиби ва технологияси яратилди. Таркиб 100% маҳаллий хомашёлар ҳисобига тузилди. Натижанда юқори едирилишга чидамли қолиланувчи буюмлар олинди (8,9 жадвал).

8 жадвал Яратилган таркиб асосида қолиланувчи резина-техника махсулотлари олиш композицияси технологик ва эксплуатацион хоссалари

Кўрсаткичларни номлавиши	10308			8313 А		
	ГОСТ бўйича	Тақлиф қилинган таркиб	ГОСТ бўйича	Тақлиф қилинган таркиб	ГОСТ бўйича	Тақлиф қилинган таркиб
P, нисб. бир.	0,3-0,4	0,35	0,3-0,5	0,34		
Кольцевой модуль, 3/2	3-5	4,5	3-4	3,5		
f _p , МПа	мин.12	14,9	мин.14	16,1		
E _{орт} , %	200-300	260	400-500	480		
E _{орт} , %	6-8	2	10-12	10		
K _r , 373 К, 72 соат.	мин.0,8	0,93	мин.0,8	0,94		
Йартилишга қаршилиқ, кН/м	мин.18	22,1	мин.18	21,3		
Едирилиш, пм ² /Дж	мах.50	22	мах.50	19		
Шору-А бўйича қаттиқлик	55-60	61	50-55	56		

9-жадвал Яратилган таркиб асосида юқори едирилишга чидамли резина-техника буюмлари олиш композицияси технологик ва эксплуатацион хоссалари

Кўрсаткичларни номлавиши	Кўрсаткичлар	
	ГОСТ бўйича	Тақлиф қилинган таркиб бўйича
Пластиклиги, нисб.бир.	0,2-0,3	0,2
Зичлиги, кг/м ³	1410	1430
Абланма модуль, 3/2	2,0-3,0	3
Физико-механик хоссаи:		
f _p , МПа	18-20	24,2
E _{орт} , %	100-150	120
E _{орт} , %	2-3	2
Тер. иш. кейин, 373К, 72 соат:		
f _p , МПа	15-18	20,4
E _{орт} , %	50-60	55
E _{орт} , %	20-25	24,2
Йартилишга қаршилиқ, кН/м	мин. 60	83
Шору-А бўйича қаттиқлиги	75	76
Ёнишга чидамлилиқ, с	мин. 55	85

Тақлиф қилинаётган хомашёларни қўллаш натижасида яратилган эластомер композициялари ва улар асосида олинган хар хил шариоитларда ишлатилувчи резина-техника буюмлари корхоналарда ишлаб турган

технологик жиҳозларни ўзгартирилмасдан, яратилган технологик шартлар асосида олинди.

Диссертация тадқиқоти натижалари тавсия этилган маҳаллий хомашёлар асосида транспорт системалари учун едирилишга, иссиққа, совуққа бардошли резинатехника буюмлар олиш таркиби ва технологиялари («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ қошидаги «Куюв-механика заводи») ШКда ва «НКМК» ДКнинг резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш цехида амалиётга жорий этилди.

Натижада қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текстил буюмлари ишлаб чиқариш микдорини 33% ошириш ва тан нархини 28% камайтириш имконини берди. Иқтисодий самара эластомер композициялар ингредентларини ва улар асосида олинадиган резинатехника буюмларини маҳаллийлаштириш, уларнинг ишлаш вақтини ошириш, транспорт воситаларини таъмирлаш циклини қисқартириш ҳисобига йилга 3.500 млрд.сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий хомашёлар асосида транспорт системалари учун ишқаланишга, совуққа, иссиққа бардошли композицион эластомер материаллар ва улардан буюмлар олиш учун стандартлаштирилган ингредентлар тўплами тавсия этилди.
2. Эластомерлар таркибига таклиф қилинган ингредентларнинг бўлиб-бўлиб кўшиш кетма-кетлиг технологияси ва композицияларни таркиби тавсия этилди.
3. Таклиф қилинган ингредентларни каучуклар вулканизация жараёнига таъсири ўрганилиб ва вулканизация түри ҳосил бўлиш механизми тушунтирилиб, Ангрен каолинини МФАЖ билан модификация қилиб таркибидagi функционал гуруҳлар ҳисобига қоришмадан вулканизация агентларини (фаолловчи ва тезлаштирувчи моддаларни) қисқартириш натижасида резина қоришмаларини тайрлаш технологик жараёни вақтини 5 дақиқкага камайтириш тавсия этилди.
4. Тавсия этилган ингредентлар билан хар хил структурадаги каучуклар молекуласи ўртасидаги боғланиш асоси ва уларнинг структура-адсорбцион фаолиги билан композицион эластомер материаллар технологик ва физик-механик хоссалари орасидаги боғлиқлик кўрсатилди.
5. Ингредентларини ва нанозаррачали монтмориолионитни бўлиб-бўлиб резина қоришмаси таркибига кўшиш натижасида наноструктурага эга бўлган композицион эластомер материаллари олиш технологияси тавсия этилди.
6. Олинган натижалар асосида ишқаланишга, иссиққа, совуққа чидамли, транспорт системалари учун армирланган қолипланмайдиган ва қолипланувчи резинатехника буюмлари олиш эластомер композициялари таркиби ва ингредентларини композиция таркибига бўлиб-бўлиб кўшиш технологияси тавсия этилди.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc 15/27.02.2020.Г.73.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ

КАХАРОВ БАХАДИР БАХРАМОВИЧ

РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ИЗНОСТОЙКИХ
КОМПОЗИЦИОННЫХ ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ И ИЗДЕЛИЙ
НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ

05.02.01-Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Литейное производство.
цветных и редких металлов. Технология уникальных, редких и радиоактивных
элементов

02.00.07-Химия и технология композиционных, лако-красочных и резиновых
материалов

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за ВЭ2020.3.PhD/Т1811.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tashnu.tu) и на информационно-образовательном портале «Ziyouev» по адресу (www.ziyouev.uz).

Научный руководитель: Ибодуллов Ахмаджон Собирович
доктор технических наук, профессор
Тешабаева Элира Убайдуллаевна
доктор технических наук, доцент
Официальные оппоненты: Рискулов Алимжон Ахмаджонович
доктор технических наук, профессор
Бабаханова Мухида Гулямовна
кандидат технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Андijanский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится « 12 » 2021 г. в 10 часов на заседании разового научного совета при научном совете DSc.15/27.02.2020.Т.73.02 при Ташкентском государственном транспортном университете по адресу 100167, г. Ташкент, ул. Темирйулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: www.tstu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер - 042). (Адрес: 100167, Ташкент ул. Темирйулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66; e-mail: www.tstu.uz).

Автореферат диссертации разослан « 02 » 11 2021 года.
(протокол рассылки № 3 от « 1 » 11 2021 года).

А. В. Умаров
Председатель разового научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Э. У. Тешабаева
Ученый секретарь разового научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., доцент

Ш. С. Файзраев
Председатель разового научного семинара
при разовой научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире на наземном и подземном, воздушном и водном транспорте применяются износостойкие и тепло-морозостойкие изделия, полученные из композитов на основе высокомолекулярных соединений. В целях обеспечения соответствия этих изделий требованиям, предъявляемым к современному транспортным средствам, особое внимание уделяется для созданию состава и технологии получения изделий с улучшенными технологическими свойствами на основе высокомолекулярных соединений, а также структур с учетом заранее заданных физико-механических, динамических и специальных свойств.

В мире осуществляются научно-исследовательские работы, направленные для наземного, подземного, воздушного и водного транспорта с целью получения износостойких и тепло-морозостойких изделий на основе композиций из высокомолекулярных соединений, разработать органические и неорганические ингредиенты, композиционные эластомерные материалы на их основе, технологии и оборудование для их получения, модификаций ингредиентов составляющих композиции, а также разработка состава и технологии получения резинотехнических изделий на их основе с заранее заданными свойствами.

В последние годы в республике проводятся исследования в целях локализации изделия из высокомолекулярных соединений, используемых в наземном и подземном, воздушном и водном транспорте, химической, металлургической и пищевой промышленности, сельскохозяйственной технике, а также строительных материалов, было налажено производство полиэтилена в Шуртане, полипропилена в Сургули, залучено совместное предприятие АО «Биринчи резинотехника», увеличено производство совершенствования технологии производства, повышения качества и количества выпускаемой продукции, сырья.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена задача «создания технологий для получения импортозамещающей продукции из местного сырья и вторичных ресурсов». В этом плане важное значение имеет осуществление научно-исследовательских работ, направленных разработку локализацию износостойких, тепло-морозостойких изделий для наземного и подземного, воздушного и водного транспорта, улучшение их технологических и физико-механических свойств, разработки состава и технологий их получения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан УП № 2298 от 11 февраля 2017 года «О программе локализации изделий и материалов на 2017-2019 года», УП № 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП № 4891 от 6 апреля 2017 года «О критическом анализе объема и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации импортозамещающего

производства» и Постановлении Президента Республики Узбекистан № 2916 от 21 апреля 2017 года «О мерах по коренному совершенствованию и развитию системы осуществления работ, связанных с бытовыми отходами в 2017-2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий VII. «Химическая технология и нанотехнология».

